

Хар биримиз кундалик юмушларимизни хавфсизлик ва санитария қоидаларига тўла амал қилган ҳолда давом эттиришимиз зарур. Чунки бугун йўқотган имкониятларимизни эртага тиклаш қийин бўлади, вақтни эса орқага қайтариб бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САЊЪАТ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Тасвирий ва амалий санъат соҳаларида миллий меросимизни тиклаш, Камолитдин Бехзоднинг бой ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган атоқли рассом ва халқ усталари хотирасини абадийлаштириш, ижодий йўналишда олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаси самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2020 йил октябрь ойида буюк мусаввир ва наққош Камолитдин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлаш;

Камолитдин Бехзод хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг кўчаларидан бирига унинг номини бериш;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида таълим олаётган талабалар учун Камолитдин Бехзод номидаги давлат стипендиясини таъсис этиш;

ёш истеъдодли ижодкорларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Камолитдин Бехзод издошлари” миниятюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловини ташкил этиш ва уни ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб бориш белгилансин.

2. Камолитдин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий кўмита) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита (А. Абдуҳакимов):

а) бир ой муддатда Камолитдин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2020 йил 15 сентябрга қадар Камолитдин Бехзод номидаги Шарк миниятюра санъати музейи хиббонининг замонавий қиёфада қайта ташкил этилиши ва унинг ҳудудидаги Камолитдин Бехзод ҳайкалини 2022 йилда бронзага ўтказилишини;

в) 2020 йил 1 октябрга қадар Камолитдин Бехзод ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг Шарк тасвирий санъатига қўшган беҳисс ҳиссасига бағишланган ҳужжатли фильмнинг тайёрланиши ҳамда марказий телеканалларда намойиш этилишини;

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁНИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун махсус

Ўзбекистоннинг коронавирусга қарши қўллаётган чоралари самарали усул сифатида баҳоланмоқда

Бугунги кунда коронавирусга қарши кураш бўйича давлатлар томонидан қўйилаётган чоралар барчанинг диққат марказида бўлиб турибди. Ўз навбатида, Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган сайё-ҳаракатлар, уларнинг самарадорлигини чет эллик экспертлар алоҳида эътироф этипти.

“Дунё” АА мухбирилари уларнинг мамлакатимизда коронавирусга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ишларга доир фикрлари билан қизиқди.

“Kani-Med Healthcare” тиббиёт компанияси Вазийлик кенгаши раиси, Ўзбекистоннинг сармоявий шериги Филлиз Эрдўған Ўзбекистон ҳукумати томонидан коронавир-ус пандемиясига қарши кура-шиш ва шифокорларга қаратилаётган эътибор Тур-кия жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотаётганини қайд этди.

— Бу чоралар Ўзбекис-тоннинг пандемияга қарши глобал курашга қўшган му-ҳим ҳиссасидир, — дейди Ф. Эрдўған. — Дунёнинг қатор мамлакатларида ва-зият тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда Ўзе-бистон сайё-ҳаракатлари бошқалар учун намуна бўли-ши мумкин. Мамлакатда ин-фекция кенг тарқалишининг

олдини олиш мақсадида дастлаб Республика махсус комиссияси тузилди, тиббий муассасаларни дори-дар-мон ва химёя воситалари билан таъминлаш тадбирла-рини молиялаштириш мақ-садида Инқирозга қарши ку-рашиш жағмармаси ташкил қилинди. Қисқа муддатлар-да Тошкент ва мамлакат-нинг бошқа ҳудудларида янги турдаги вирус билан касалланганларни даволаш учун махсус шифохона ва карантин зоналари қурили-ши бошланди.

Туркиялик мутахассиснинг қайд этишича, бу чоралар ўз натижаларини бермоқда — Ўзбекистонда инфекцияни юктириш даражаси бошқа мамлакатлар билан солиш-тирганда нисбатан паст.

ЯШНАГАЙ ТО АБАД ИЛМУ ФАН, ИЖОД



Муносабат

Рақобатчиларни иттифоқчиларга айлантирайлик!

Бугунги ахборот технологиялари, компьютерлар, гаджетлар даврида ёшларни маънавий-ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш, уларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш энг катта муаммолардан бири бўлиб қолди.

Хаёт йигит-қизларимизни ҳар бир ишда муваффақият қозонишга, ўзини таъминлай билишга, пул ишлаб топишга ундамоқда. Бу — бозор иқти-содиёти талаби. Баъзи ёшлар орасида меҳнатсиз пул топиш, алдаш, кибр, жаҳл, ҳасад ҳеч қандай айб эмас, деган нотўғ-ри фикр оммалашиб бораёт-гани ҳам рост гап. Натижада шахс шаклланиши жараёнида бошқалар ғам-андухига, муам-моларига мутлақо бефарқ бўлган, ҳар қандай бойлик ҳеч қачон адолат, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқнинг ўрнини боса олмаслигини унутган худбин инсонлар ҳам вояга етмоқда. Афсуски, айрим оила ва таъ-лим муассасалари ёшларга бу ҳаётий ҳақиқатларни етказиб бера олмаяпти. Бундай ва-зиятда нима қилиш лозим, шахсни қандай вояга етказиш керак, ёшлар таълимини қан-

дай йўлга қўйиш, дам олиш вақтини қандай ташкиллашти-риш жоиз? Айниқса, каран-тин муносабати билан ёшларда бўш вақт кўпайган ҳозирги пайтда.

Давлатимиз раҳбари коро-навир-ус пандемияси туфайли юзага келган инқирозга қарши

кураш шароитида тадбиркор-ликни қўллаб-қувватлаш маса-лаларига бағишланган видео-селектор йиғилишида ёшлари-мизга муржоат қилиб, “Азиз фарзандларим, уйда вақтингиз-ни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни кунт билан ўзлаштинг. Китоб ўқинг, билимингизни оширинг, бадан-тарбия ва жисмоний машқлар-ни бир кун ҳам қолдирманг”, дея даъват этгани ҳам бежиз эмас.

Қорақалпоқ мумтоз шоири Бердақнинг бир шеърда ажойиб сатр бор: “Саломатлик — олтин тахтинг...” Бундан ортиқ таъриф бормикин?! Барчамиз учун саломатликдан, яъни тани соғлиқдан ортиқ қимматли нима бор?! Саломатлик Аллоҳнинг бизга берган омонати. Соғ танда — соғлом ақл.

Буюк сўз устасининг инсон саломатлиги тўғри-сидаги ушбу донишмандо-

на айтган сўзи аини шу кунларда коронавир-усга қарши барчамизни бир

Хамжиҳатлик, тинчлик ва бахтнинг Ватани

тан, бир жон бўлиб курашишга чақираётгандек. COVID-19 бир юртнинг, мамлакат ёки қитъанинг-гина касаллиги бўлиб қол-мади. Бу — ҳаммамизга, одамзодга таҳдид солган ўта хавфли офат бўлди.

Карантин муносабати билан март ойининг 24-сана-сидан бошлаб меҳнат таътилидамиз — расмий. Лекин шоир ва ёзувчилар-да, рассомларда, бастакорлар-да, олимларда, умуман, ижод аҳлида “дам олиш” бўлмайди. Тўғри, уйда ишсиз ўтирган киши меҳнатни, одамлар билан кундалик жонли мулоқотни, ёру дўстлари ва кадр-донлари билан суҳбатла-шишни, сирлашишни соғи-нади. Бироқ биз вақтинча меҳнат таътилида бўлсак ҳам қўлимиз — ишда, қалбимиз — Аллоҳда.

Бутун дунёни ўз қомига тортган коронавир-ус пандемияси, минг афсуски, бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Маромида кетаётган барча ишимизга салбий таъсирини кўрсатди. Хайриятки, ҳукуматимиз ҳам, халқимиз ҳам довидаиб қолгани йўқ. Бу балога қарши курашнинг барча чораси кўриляпти.

Президентимиз раислигида ўтказил-ган видеоселектор йиғилишида шундай мураккаб бир вазиятда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи

кун тартибига қўйилди. Давлатимиз раҳбари бу муаммони ижобий ҳал этиш йўлларида бири, шубҳасиз, томорқачиликни

эканлигини алоҳида таъкидлади. Тўғри-да, бутун мамлакат аҳолиси-нинг ҳаёти уйда кечаётган бир пайтда тўқ яшашнинг муҳим омилларидан бири қишлоқ жойларда томорқадан бошқа яна нима бўлиши мумкин?! Томорқада меҳнат қилинса, биринчи навбатда, одам банд бўлади. Иккинчидан, оилга қўшимча даромад келади. Келмаганда ҳам, ўзини ўзи таъминлайди.

2

2

НАБОТТОТ ОЛАМИНИНГ НОЁБ ҲАЗИНАСИ

Ўзбекистонда доривор ўсимликлардан нечоғли фойдаланилмоқда?

Бир неча бой биологик рельефи ўлкалар қорраҳасида жойлашган Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси гоятда ранг-баранг. Мафтункор она табиати-мизда учрайдиган кўп-лаб турлар ноёблиги, энг асосийси, шифобахш ҳусусиятларга эга эканлиги билан алоҳида қийматга эга. Гап шундаки, юртимиз наботот оламидаги 4,3 минг-дан ортиқ ўсимликлардан 750 турининг дориворлиги аниқланган. Таъбир жоиз бўлса, улар “яшил сайёраимиз”нинг бамисоли хазинасидир. Бироқ бундан нечоғли фойдалана оляммиз? Табиий ҳолда ўсувчи шифобахш гиёҳларни

асраб-авайлаш, маданийлаштириш ва кўпайтириш ишларининг ҳозирги аҳволи қандай?

Таҳлил ва таққос

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда доривор ўсимликларнинг 112 тури илмий тиббиётда фойдала-ниш учун рўйхатга олинган. Жумла-дан, 70 тури фармацевтика саноати-да фол қўлланилмоқда. Агар кейинги пайтда тиббиёт ва фармацевтика са-ноатида шифобахш ўсимликларга

бўлган талаб тобора ортиб бораёт-ганини инобатга оладиган бўлсак, жа-б-ҳада қўлга киритилаётган натижалар мавжуд имконият даражасида эмаслиги аён бўлади. Шу маънода, Президентимизнинг жорий йил 10 ап-релдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи дори-вор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта иш-лаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжатдир.

4

Эзгулик, сабр-қаноат ва меҳр-шафқат ойи

Президентимизнинг кунчи кеча эълон қилинган “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ҳамда ўтказилган видеоселектор йиғилишида юртимизда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш борасида илгари сурган ташаббуси халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-оқибат, саховат каби юксак фазилатларини ўзида яққол ифодалагани билан барчамизни ниҳоятда мамнун қилди.

Дарҳақиқат, Рамазон ойи бу йил дунёда мураккаб эпи-демологик вазият ҳукм су-раётган бир даврга тўғри

келмоқда. Шунга қарамай, халқимиз асрлар давомида эзгулик, саховат, сабр-қано-ат, меҳр-шафқат ойи сифа-

тида нишонлаб келган ушбу муборак ойда барча мўмин-мусулмонлар муқаддас ди-нимиз буюрган ибодат амал-

ларини карантин қоидалари-га қатъий риоя этган ҳолда, уйда, оиласи даврасида адо этишига ишончимиз комил.

Мусибат келган вақт-да мўмин киши ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида ояти қарималар ва ҳадиси шарифларда кўр-сатмалар баён қилинган.

4

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Бугунги ҳаракатимиз эртанги ҳаётимизда акс этади.

Бугунги коронавир-ус пандемияси шароитидан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш жаҳон ҳамжамиятини уйлантираётган муаммолар қаторига кирди. Бинобарин, иқтисодий жараёнларнинг секинлашуви махсуслотлар ишлаб қачиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис ҳар бир мамлакат бу борада аниқ вазифаларга асосланган чораларни кўрмоқда.

Долзарб мавзу

Айтиш жоизки, Ўзбекис-тоннинг бу борадаги имко-ниятлари кенг. Саховатли заминимиз, “ер билан тиллашадиган”, меҳнаткаш деҳқонларимиз бор. Айни пайтда қўйилаётган чора-тадбирлар эса уларга ердан, ўз томорқасидан янада са-марали фойдаланиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга қаратилган сайё-ҳаракатлардир. Зеро, бугун-ги ҳаракат эртанги турмуш тарзимизда намоён бўлади.

Қўшма қарор ижроси — амалда

Жорий йилнинг 21 ап-рель кунчи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенга-шида парламент палаталари Кенгашларининг 2020 йил 13 апрелдаги “Деҳқон хўжа-ликлари ва томорқа ер участкаларидан фойда-ланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қўшма қарорининг ижроси

юзасидан ҳисобот ешитилди. Албатта, ўтган вақт унча-лик кўп эмас. Бироқ шу қисқа паллада ишчи гуруҳи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ма-ҳалла ва оилани қўллаб-қув-ватлаш вазирлиги, Ўзбекис-тон фермер, деҳқон хўжа-ликлари ва томорқа ер эга-лари кенгаши ҳамда улар-нинг ҳудудий органлариға аҳоли томорқаларидан сама-рали фойдаланишни ташкил этишда амалий ёрдам бериб келинмоқда. Бунда ишчи гу-руҳи ҳар бир аъзосининг то-морқа ерларидан фойдала-нишни ўрганиш бўйича ту-манларга чиқиш режалари ишлаб чиқилгани қўл келди. Натижада 5 кун ичида томорқа ер участкаларидан фойдаланиш ишлари каран-тин қоидаларига амал қил-ган ҳолда жами 39 та туман-нинг 194 та маҳалласидаги 768 та хонадонда томорқа ер участкаларидан фойдала-ниш ўрганиб чиқилди.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И
ТАСВИРҲИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА
ОШИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

г) 2020 йил октябрь ойида: “Камолиддин Бехзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловининг ўтказилишини;

Камолиддин Бехзод ва унинг издошлари асарлари, хаттотлик санъати намуналари, замонавий миниатюра асарлари кўргазмаси ҳамда илмий-амалий конференциясининг ўтказилишини;

д) “Ўзбекистон замонавий миниатюраси” каталогининг тайёрланиши ва жорий йил октябрь ойида нашр этилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, Камолиддин Бехзоднинг ҳайкалини бронзага ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Бадий академиясига мазкур мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Бадий академияси хузурида: **Бадий таълим йўналишларидаги педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази** (кейинги ўринларда — Марказ);

олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида тайёргарлик босқичи сифатида **Рассомлик маҳорат устaxonаси (олий рассомлик курси)** (кейинги ўринларда — Рассомлик маҳорат устaxonаси) ташкил этилсин.

6. Куйидагилар: **а) Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:** давлат олий ва профессионал таълим муассасалари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлари, болалар мусика ва санъат мактабларининг тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ҳамда музейшунослик йўналишлари (кейинги ўринларда — бадий таълим йўналишлари) бўйича педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

иктидорли ёш профессионал санъат номояндаларининг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган

ўқитишнинг замонавий шакл ва услублари, самарали педагогик технологиялар, электрон ахборот ресурсларидан кенг фойдаланган ҳолда таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштириш;

бадий таълим йўналишларидаги педагог ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларга ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

б) **Рассомлик маҳорат устaxonасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:** тасвирий санъат асарларининг юксак сифатини таъминлаш, тасвирий санъат ижодкорларининг салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариш;

“устоз — шогирд” ва бадий таълим аъёналарини сақлаган ҳолда ўқитишнинг илгор усулларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига ижодий устaxonалар фаолиятини татбиқ этиш;

тасвирий санъат йўналишларида (дастгоҳли, графика, маҳобатли, миниатюра, ҳайкалтарошлик) фаолият олиб бораётган истеъдодли ижодкорларни саралаб олиш, уларнинг эстетик савияси ва маҳоратини юксалтириш;

санъат асарларида миллий ва умуминсоний аъёналарнинг юксак даражада ифода этилишига эришиш;

чет эллардаги кўргазма ва музейларда сақланаётган ноёб асарлар билан яқиндан танишиш, нусха кўчириш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида хорижий мамлакатларга олий рассомлик курси ёш ижодкорларининг ижодий сафарларини ташкил этиш;

юртимиз музейлари фондларини юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб боришга кўмаклашиш.

7. Белгилаб қўйилсинки: Марказ фаолияти 2022 йил 1 январдан, Рассомлик

маҳорат устaxonаси фаолияти 2022/2023 ўқув йилидан бошланади;

Рассомлик маҳорат устaxonаси юридик шахс мақомига эга бўлмайди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

ёш ижодкорлар Рассомлик маҳорат устaxonасига стажёр-тадқиқотчилар учун белгиланган тартиб асосида жалб қилинади.

8. Ўзбекистон Бадий академияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Марказ ҳамда Рассомлик маҳорат устaxonаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги тегишли Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. **Республикада тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Бадий академиясининг юртимиз тасвирий санъатига улкан ҳисса қўшган атоқли ижодкор Павел Беньков номини Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабига бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги ихтисослаштирилган санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ўқувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

12. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Бадий академияси марказий аппарати ходимларининг лавозим маошига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 100 фоиз микдорида ойлик устамалар белгилансин.

13. Мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Бадий академиясига ажратиладиган маблағлар доирасида,

2021 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг асосий биноси атроф ҳудудида қўшимча ўқув биноси ва замонавий ахборот-кутубхона маркази, кўргазмалар галереясини ўз ичига қамраб олувчи ёрдамчи бино қуриш ишлари учун зарур капитал қўйилма маблағларини назарда тутсин.

Ўзбекистон Бадий академияси 2020 йил 1 октябрга қадар мазкур бандда назарда тутилган лойиҳа (объект) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3219-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Ўзбекистон Бадий академияси манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлари ва қўшимчаларни тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 апрель	

Ҳамжиҳатлик, тинчлик
ва бахтнинг Ватани



Ўтган йили апрель ойининг шу кунларида олтинчи ёшга чиққан тўйимни қандай ўтказиш тўғрисида қариндошларим ва дўстларим билан бирга маслаҳатлашиб юрган эдим. Жойи жаннатда бўлгур отам ҳаёт эди... Қуни кеча онам билан телефонда гаплашдим. Қорақалпоғистоннинг энг шимолий туманида, Нукусдан 120 чакирим олисда — Тاختакўпри туманида кенжа инимизнинг қўлида, ота маконда яшайди. Ёши саксон иккида. Шундан, олдимизда соғ-омон юршини Яратгандан тилганимиз тилган... У эса бизларни деб қайғуради. Согонади. Биз — онамизни. Тўғрсигини айтиш керак, олисдаги, хатто бир шаҳарда, бир манзилда яшаётган қариндошларимизни, дўстларимизни, кадрдонларимизни соғиндик. Ҳамфикр ёзувчи ва шоирлар, касбдош олимлар билан адабиёт кун тартибидagi ва мангулик масалалар бўйича жамлашиб, суҳбатлашишларни соғин-

дик... Улар билан қўл бериб саломлашишни, бағримизга бошишни соғиндик... Бу соғинчлар бизни янада яқинлаштиргандек, эркинликнинг улуг қадриятини қанчалигини янада теранроқ англатгандек, тинч ва обод, фаровон турмуш учун, саломатлигимизнинг мустаҳкам бўлиши учун курашга қаҳраётгандек...

Инсон инсон билан тиллашмас, Худо сақласин, одамзод турмушини қандай қоронғиликлар қоплашини... тирик бўлмади. Албатта, интернет тармоқларидаги алоқалар одамнинг одам билан юзма-юз гаплашганидек бўлмайди. Барчамиз учун оғир бўлган хозирги карантин пайтида унинг қоидаларига мослашиб яшаш ҳар бири-мизнинг фуқаровий бурчимиз. Касбимиз бўйича инимизни ихтидонимизда интернет сайтлари орқали баҳаряп-миз... Замонавий талаблар асосида, талаба ва магистрантларни оралиқ on-line ўқитишда Moodle тизимидан фойдаланишнинг алоҳида гашти бор экан... Стол ишларидан қарнайимиз — китоб,

қоғоз, қалам, ёзув ва фикрлар умумонига шўнғиш роҳат бағишлайди.

Лексин соатлаб кўзгалмай бир жойда ўтириб қолиш танада қон айланишини пасайтиради. Шунинг учун, бундай аломатлар сезилганда томоркамизда меҳнат қила-миз. У ерда чечакнинг ўндан зиёд тури бор. Раъногуллар гунча болганлар. Қайси бир қўшимчим “Ассалому алайкум, деҳқон оға...” деса, яна қайсиси “Богбон оға!” дея ҳазил-лашади. Улар илгари менинг томорқада бундай ер қаламганимни кўрмаган-ди... Қалам ушлаган бармоқларимиз ҳар кун и белурак, кетмон, ўроқ ва болта ушлаб тутганлигидан қаварган қўлларга айлан-моқда... Бу ҳам алоҳида заъв бағишлайди.

Унутавизбман. Хозиргина ташқаридан келдим. Қўшимчим Бозорбой оға Хожаназаровнинг ерини қолишга ёрдамлашдим. Албатта, менда ҳам, оғамизда ҳам тиббий ниқоб ва қўлқоплар бор эди. У мендан етти-саккиз ёш катта. Ёли оғриғиди — радикулит. Ўғли Ербол Қозоғистонда иш-лаб юрган эди. Қозоғистон


карантинда бўлганлиги сабабли юртга қайта олмади. Бозорбой оғанинг деҳқончи-лигига кўмаклашганимга аёли Жанимгул опа қувониб қолди. Тушликдан кейин маккажўҳор эъмоқчи. Бозорбой оға билан Жанимгул опанинг бола-дай қувонганига сабаб — халқимизда юксак қадрият — меҳр нури билан ювилган оғзибирчилик, яъни ҳамжи-ҳатлик бор эканлигиди.

Шу онда бир афсонани айтмасам бўлмайди. Бахт Тинчликдан сўрабди: “Ким-нинг юртига бораёсан?” Тинчлик жавоб берибди: “Оғзибирчиликнигина!” Буни эшитган Бахт: “Мен ҳам бораман” дебди. Шундан бери Оғзибирчилик бор жой-да Тинчлик ва Бахт мангу кўним топар экан. Худо хо-ласа, барчамиз кўзга кўрин-мас дўшман — коронавирус деб аталган офатни бир еқадан бош, бир енгдан қўл чиқариб, баҳамжиҳат енга-миз. Зеро, юртимиз Ҳам-жиҳатликнинг, Тинчликнинг, Бахтнинг Ватани.

*Синов умумида
биз — бир кемамиз,
Офат тўлқинларини
албат енгамиз.*

Бахтиёр ГЕНЖЕМУРАТОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ҳодими, шоир.

Бугунги талаба кечаги мактаб
ўқувчиси эмас



Аслида ушбу тизим ҳар бир оилада бўлиши керак. “Бекорчи-дан Худо безор”, дейди халқи-миз. “Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди”, деган мақол ҳам бор. Шундай экан, бун-гиг вазиятда нафақат қўл, балки у би-лан бирга, ақл ҳам ишлаши керак.

Кимдир томоркаси бўлмаганлар нима қилади, дейиши мумкин. Кишлоқ шароити-да томоркаси бўлмаган оила бизга маъ-лум эмас. Озми-кўпми, лекин ҳаммада бор. Аммо барча ҳудудда ҳам сув етарли эмас, лалмикор ерлар анчагина. Лекин гап ҳозир бор имкониятдан унумли фойдала-ниш ҳақида кетяпти. Мавзуд томорқага бугун ишлов бериш, экин экиб, даромад олиш, оила буюджетини қўпайтиришимиз зарур.

Томорқада меҳнат қилишнинг моддий-лик бараварида маънавий манфаати борлигини ҳам англаш қийин эмас. Ка-рантин шароитида ҳукуматимиз одам-ларнинг бир жойга тўпланмаслиги, ҳатто учрашиш зарурати туғилганда ҳам тегишли масофани сақлашни қатъий талаб қилипти. Агар одамлар уйларида бўлишса, меҳнат қилишса, ана шу талаб тўлиқ баҳарлиқди, ёшларнинг тўда-тўда бўлиб мақсадсиз юришлари, тўпланиб ҳар хил ноғўя ишларни қилишларига имкон қолдирмайди.

Вазият тақозоси билан ўқув юртларида таълим жараёни тўхтатилиб, талабалар уйларига кетилган. Бизни кўпроқ улар-нинг нима билан бандлиги қизиқтиради.

Онлайн режимида дарслар ташкил қилин-ган, масофавий таълим йўлга қўйилган, муттасил китоб ўқиш тавсия этилган. Аммо бу жараёнларни назорат қиладиган аниқ механизмини ишлаб чиқолганимиз йўқ. Бу тизим қисқа муддатда ишлаб чиқилди, албатта.

Очиги, айни дамларда кишлоқ аҳоли-сини бошқа масалалардан кўра оилани боқиш кўпроқ қизиқтириши табиий. Аммо ҳаёт бир кунлик эмас, давом этмоқда. Инсон ҳаёти учун ҳамма нарсас керак. Бинобарин, келажаги ҳақида қайғуриши ҳам зарур.

Мана шундай масъулиятли дамларда оиладаги фарзандлар, айниқса, талаба-ёшларнинг ўрни қандай бўлиши керак? Масаланинг бундай қўйилиши ҳам мод-дий, ҳам маънавий жиҳатдан ўринли. Чун-ки бугунги талаба кечаги мактаб ўқувчи-си эмас. Демакки, улар кундалик янги-ликлардан, коронавирус пандемияси ша-роитида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган ишлардан яхши баҳдорор. Қолаверса, шундай оғир пайт-ларда талаба-ёшлар бир бурда нон қаердан келаятганини, таълим шартно-маси пули, шаҳарда ўқиб, яшаб турган пайтидаги таъминотининг қаердан бўлаётганини англаб етмоқда, назари-мизда. Ота-онанинг қадрига етиш ана шу нуктадан бошланади.

Баҳор ҳам ўтиб борапти. Экин-тиқон-нинг айни пайти. Ҳазрат Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”, қолаверса, Кайковус

“Қобуснома” асарида деҳқончиликнинг фазилатлари ҳамда ҳар бир экинни вақтини ўтказмасдан экиш ҳақида фикр юритади. Бу каби ибратли асарларни ўқиб, оила аъзолари билан баҳам қўри-са, меҳнат ҳам машаққатли ва зерикарли бўлмайди.

Эътибор берадиган бўлсак, Президенти-миз ҳар бир масалага илмий ёндашиш кераклигини айтиптаилар. Жумладан, деҳқончилик ишларига ҳам. Халқимиз, айниқса, ёшлар ернинг имкониятидан келиб чиқиб, унга нима экиш, қачон ҳамда қандай экиш, қандай қилиб сув бериш ва парваришлашни пухта билиши керак, та-ваккалчилик қилиб бўлмайди. Айниқса, бугунги эпидемия, карантин пайтида. Ўйда бўлиб турган талабаларимиз мана шу ма-салада ота-оналарига ёрдам бера олади, деб ўйлаймиз. Уларнинг кўпчилиги шундай қиялтилар ҳам.

Элимиз оғир синовларни бошидан ке-чирмоқда. Талаба-ёшларимиз мана шундай мураккаб шароитларда нафақат ота-онала-римнинг ақин кўмақчилари, балки қачон-қачон опа-сингилларига намуна бўлишлари-ни истардик. Ибрат эса ҳалол меҳнат ва илму маърифат орқасидан келади. Бино-барин, коронавирус сабоқларидан бири ҳам шу.

Алишер ЭШТАЕВ,
Самарқанд давлат университетининг
ёшлар билан ишлаш бўйича
проректори.

Рақобатчиларни
иттифоқчиларга
айлантирайлик!



Маълумки, китоблар инсоннинг ахлоқий фазилатла-рини тарбиялайди, фикр юритишга, ўйлашга ўргата-ди, ички дунёсини шакллантиришга ёрдам беради. Асосийси, китобдан доно маслаҳатлар олиш мумкин. Ўсмир адабий ҳаётномаларнинг ўй-хаёллари, ҳис-сиёти, ташвишлари ва хатти-харакатларини кузатиб, уларнинг ҳатоларини ўз ҳаётларида тақоррولаслик-ка ўрганади, фақат ижобий ҳаётномалардан ўрнак олишга интилади.

Илмий ҳулосалар айнан бадий адабиётлар инсонда мантиқий фикрлаш қобилиятини, ҳиссиёт-ларни, нукт саводхонлигини ривожлантиришнинг кўрса-тади. Ўқиш маданиятини йўқотиш она тилини асраб қолиш билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чи-қаради — чуқки китобдан инсон ҳаёт тўғри ва раво-гапига олмайди. Ўқиш инсонга ҳаётнинг янги қирралари ва уфқларини очади, ҳаёлотни ривожлантира-ди, мураккаб шароитлардан чиқиб кетишга, қийинчи-ликларни енгиб ўтишга ўргатади. Агар телевизор ва интернет бизга таъбир тасвирини берса, китоб — му-тлақо бошқа — у ҳаёлотнинг чексиз олами, у бизга ҳаётни тасаввур қилиш, ҳиссиётлар оғушида бўлиш имконини беради.

Телевизор ва интернет китобнинг қучли ҳамда тажовузкор рақобатчиси. Бу ривожланган мамла-катларга ҳам хос бўлган ҳолат. Германиянинг “Ўқиш жамияти” маълумотларига кўра, бу давлатда ёшлар кунига фақат тўққиз дақиқа вақтини китоб ўқишга ажратади, телевизор кўришга эса 135 дақиқа сарфлашади. Улар ахён-ахёнда озроқ ўқиш билан чекланиб, жуда кўп вақт виртуал оламда кўнгул-хушлиқ қилиш билан банд бўлишади.

Ўйлашмича, рақобатчилар билан курашда фақат бир йўл бор — уларни иттифоқчиларга айлантириш керак. Китоб ўқишни оммалаштириш бўйича теле-видение орқали кўпроқ ташвиқот ишлари олиб бо-риш, янги чиққан адабиётлар билан таништириб борадиган, китобхонликни, наشريётлар ёки китоб дўконларини тарғиб қиладиган блогерлар ва етак-чи сайтларни рағбатлантириш мақсадага мувофиқ.

Одильхўжа ПАРПИЕВ,
ЎзРФА Материалшунослик институти
директори.

Пандемияга қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси
айрим давлатлар учун ўрнак бўлиши мумкин

Бугун коронавирус пандемияси туфайли дунё аҳолисининг ярмидан кўпи карантин шароитида яшашга мажбур бўлаётгани тарих нуктаи назаридан янги ҳодиса эмас. Урта асрлардан то XIX асрга қадар вабо, тоун, холера ва бошқа юқумли касалликлар эпидемиялари миллионлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлгани, хатто бутун бошли шаҳару кишлоқлар аҳолиси қирилиб кетгани турли манбаларда қайд этилган.

■ Нуктаи назар

Тарих фалсафаси асосчиси, буюк му-аррих Ибн Халдул ўзининг “Ал-Муқад-дима” китобида миллодий XIV асрда тар-калган тоун касаллиги ҳақида қуйидаги-ча маълумот беради: “...саккизинчи (ҳиж-рий) аср ўрталарида бутун Шарқ ва Фарб ўлкалари бўйича тоун юқумли касаллиги тарқалиб, миллатларни сугириб, наслларни олиб кетди. Одамларни ка-майитириш билан Ер юзида ободончилик-ни сусайтирди, натижада шаҳарлар ха-робага айланиб, йўллар бузилди, уйлар бўш қолиб, давлатлар ва қабилалар куч-сиз бўлди. Ғўеки коинотнинг тили ола-ми сукут сақлаб, инкибоз (ўзини йиғиб кичиклаштириш)га қақиргани қабул қилинди... ва янги бир яралмиш ўз бериб, қайтадан бошқа бир янги олам вуҷудга келди деб ўйлайсан киши!”

Тарихчи Абулҳасан Мудоинийнинг ёзишича, ҳижрий 131 йили Басра шаҳ-рининг Сиккатул-марид кўчасида ҳар кун и миннга яқин жаноза ўқилган. Ибн Тагриберди (Тангриберди) “Ан-Нуҷуззо-хира” (“Порлоқ юлдузлар”) китобида ри-воят қилишича, ҳижрий 131 (миллодий 756) йилга қадар 15 марта тоун касал-лиги тарқалган.

Ибн ул-Жавзийнинг “Мирот уз-замон” (“Замон кўзгуси”) китобида қайд эти-лишча, “Ҳижрий 469 йилда (миллодий 1091 йил) Дамашқ шаҳрида 500 000 (беш юз минг) киши ашарди, ўша йил тоуни-да улардан 3000 (ўн минг) киши тирик қолди, шаҳардаги 240 новойидан фақат иккитасигина тирик қолган эди”.

Француз Жон Ноел Барбон ўзининг “Тоун” (“La peste”) китобида “Ҳижрий 749 йилнинг тоунида Мисрнинг

2200 кишлоғидан 40 таси нобуд бўлган ва ҳижрий 795 йил Халаб шаҳри одам-лардан бўшаган эди”, деб ёзган.

Шунингдек, XIV асрнинг иккинчи яр-мида Европа ўлкаларида вабо касали-ги кенг кўламда тарқалган, хасталанган-ларнинг 60 фоизи тирик қолмаган, ка-саллик этган шаҳарда 6 ойдан 9 ойгача давом этган. Натижада Европа жам-ия-тининг тўртдан бир қисми нобуд бўлган.

Уша даврларда дунё ҳамжамиятининг мазкур юқумли касалликларининг келиб чиқиши ва тарқалиши сабабларини му-каммал билиб олишга қурби етмаган бўлса ҳам, одамлар имкони борича ўз тажрибаларида фойдаланиб, табиблар тавсиясига кўра, ўзини муҳофаз қилиш-нинг айрим йўллари амалда қўллаб келганлар. Улардан бири касаллик тарқалган жойларга бормаслик ва ўша манзиллардан бошқа ҳудудларга чиқмас-лик эди.

Эпидемия тарқалишининг олдини олиш ва унинг таъсирини камайитири-шдан фориғ бўлишда азалдан давлат ҳама давлат раҳбарларининг ўрни ни-ҳоятда муҳим бўлган. Масалан, касал-лик манбаини назоратга олиш, фуқаро-ларни хавфсиз жойларга кўчириш, карантин ўрнатиш, муҳтожларни озиқ-овқат ва бошқа ҳаётий зарур махсулот-лар билан таъминлаш қабилар шундай тадбирлар сирасига қиради.

Амир Темур Эрондан қайтар экан, қўшин орасида юқумли касаллик тарқа-лади. Шунда соҳибқирон табиблар та-всиясига кўра, вақтинча узун хоналар қу-ридириб, неча минг аскарни ўша хоналар-дан ўтиб, сомон тутунидан нафас олиш-

га буюради ва шу орқали касаллик тар-қалишининг олди олинади. Франциялик адиб Марсел Брион 80 дан ортик Шарқ ва Фарб манбаларига асосланиб ёзган “Менким, соҳибқирон — жаҳонгир Темур” номли китобида бу ҳақда муфассал маъ-лумот бериб ўтган.

Жаҳонда “Иккинчи муалмин” номи билан танилган туркий файласуф Абу Наср Форобий ўзининг машҳур “Ороу ахли-л-мадинатил-фозила” (“Маданиятли мамлакат аҳолисининг қарашлари”) ном-ли асарида давлат раҳбари ҳақида Афлотун назариясини такомиллаштириб, “Жамиятнинг раҳбари ҳақимлардан, яъни фаяласуфлардан бўлиб, бошқариш ва раҳбарлик қилиш иқтидорига эга бўли-ши керак”, деб таъкидлаган ва унинг ҳу-сусиятларини қуйидагича изоҳлаб берган.

“Бундай жамият (давлат) раҳбари бўлган киши соғлом тан ва соғлом руҳ билан бирга, ақлу фаросатли, қучли инфо-да қилиш ва тушунтириш истеъдодига эга бўлади. У илмга чанқоқ, ҳаво ва ҳавасдан узок, жасоратли ва ҳақ ҳоми-йси бўлиши керак...” бу каби раҳбар то-монидан қўрилганларидан жамиятда тар-тиб — қонун устувор бўлиб, кишилар ора-сида аҳиллик оша боради, барча халқ манфаати таъминланиши билан, зарар-ли ишлар уллар ҳаётидан ўйқолади”.

Энди ХХ асрнинг долзарб муаммоси даражасига кўтарилиб, бутун башариёт ҳаётини хавф остига қўйган коронави-рус пандемиясига келсак, айтиш керак-ки, бу балонинг тарқалиши ва олдини олишда давлатлар ва давлат раҳбарла-ри муҳим роль ўйнамоқда.

Коронавирус инфекцияси илк бор Хитойнинг Ухань шаҳрида аниқланди. Унинг одамлар ҳаётини хавф остида қолдиргани ва қисқа муддатда кўпчилик-ни ўз қомига тортиб олгунлиги хаба-ри ҳақонда “қучли бомба портлаши”дек акс садо берди. Айни чоғда, таассуфки, Хитой раҳбарияти томонидан бу эпиде-мия бутун башариёт учун ниҳоятда дах-шлати таҳдид бўлиши мумкинлиги ҳақида тарқатилган баённомалар айрим давлат-ларда жиддий эътиборга олинмади.

Натижада вируснинг тарқалиши эпиде-миядан пандемия даражасига кўтарили-ди. 2019 йилнинг декабрь ойидан то хозирги кунга қадар бу қотил касаллик дунёнинг 200 дан ортик мамлакатлари-га тарқалиб улгурди.

Эпидемия хавфини тўғри баҳолаган Хитой раҳбарияти ва давлати оз му-датда кўп қурбонлик берган бўлса ҳам, халқ ҳамкорлиги, “темир” интизом ва қатъий карантин режимиини амалга ошириш билан неча миллионли Ухань шаҳрида бу хасталикни енгилшга муваф-фақ бўлиб, мамлакатнинг бошқа ҳудуд-ларига тарқалишининг олдини олди.

Ҳозир ривожланган давлатларда ҳам аввалдан ҳодисага эътиборсизлик билан қаралгани сабабли вируснинг ёйилиши қон сайин ошиб бормоқда. Лекин Жану-бий, Корея каби ҳодисага жиддий ёнда-шиб, қучли карантини йўлга қўйган ай-рим мамлакатларда эпидемия тарқали-ши заифлашган.

Ўзбекистонда бу “тождор” офат ки-риб келмасдан туриб барча ҳимоя чора-лари қўриб қўйилган эди. Вирус расман аниқланганидан кейин, Президент Шавкат Мирзиёев шахсан ўзи халққа муҳожаат қилиб, бу юқумли касаллик не-чоғли хавфли эканлиги ҳақида маълумот берди ва Ўзбекистоннинг барча аҳоли-сини давлат билан биргаликда хавфсиз-лик чораларини амалга оширишга қақирди. Одамларимиз бу хатарли пандемияни ҳамжиҳатлик, ақл ва ирода қучи, қатъий интизом билан енгиб ўтиш имконига эғалигини таъкидлади.

Президент Фармони билан каронави-русга қарши Ўзбекистон Бош вазири раҳбарлигида комиссия ташкил этилиб, қабул қилинган режалар бирин-кетин амалга оширила бошланди. Давлат раҳбари шахсан ўзи йиғилишлар ўқа-зиб, бу соҳада ўз берган ҳодисалардан аҳолини баҳдорор қилди.

Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев коронавирусга бағишланган видеоомлукот тарзида ўтқизилган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдан ташқари саммитида қилган маърузасида коронавирус жаҳоннинг

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ,
юридик фанлар доктори,
профессор.

Саховатпеша юртдошларимиз давлатимиз томонидан муносиб қўллаб-қувватланади

Бутун дунёда тарқалган ва ҳамон барчани ўз таъсир доирасида ушлаб турган коронавирус эпидемиясига қарши юртимизда ўз вақтида кескин чоралар қўрилди. Бунинг натижасида республикамиздаги қўллаб ҳудудлар ва юз минглаб аҳоли вирус хавфидан сақлаб қолинди.

Мушоҳада

Халқимиз ҳаёти ва турмуш даражаси учун қанчалар мурак- каб бўлмасин, давлатимиз то- монидан ўз вақтида қабул қилинган қўллаб қарорлар на- тижасида юртимизда пандемия- нинг оғир ҳолатлари юзага кел- гани йўқ. Аҳолимизнинг улкан сабр-бардоши ва қўллаб-қув- ватлаш бу кунларда барчамиз- га катта мадад ҳамда ёрдам бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари 20 ап- рель кuni саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари кор- хоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғили- шда ана шу ҳусусда сўз юри- тар экан, қўрилган чоралар на- тижасида ақсарият вилоят ва туманларда қорхоналар ўз иши- ни тўхтатгани ёки тўлиқ қувват билан ишламаётганилигини, бу ҳолат юртимиз аҳолиси ҳаёти- га таъсир ўтказаяётганини айт- ди. Шу сабабли ижтимоий ҳи- мояга муҳтож, эҳтиёжманд оила- лар, ногиронлиги бор, ёлғиз яшовчи фуқароларни ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб, ҳозирги кунда вақтинча ишла- маётган ва ёрдамга муҳтож оила- ларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озиқ-овқат, дори-дармон билан таъминлаш борасида олиб борилаётган иш- лар кўламини янада кенгай- тириш кераклигини таъкидлади.

Чиндан ҳам, бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам иш- сиз, кўмакка муҳтож аҳоли сони ортиб бораётир. Мазкур ҳолатни юмшатиш ва фуқаро- ларни ижтимоий ҳимоялаш мақ- садида давлатимиз томонидан қатор чора-тадбирлар қўрилди. Бунда Маҳалла ва оила- ни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқарма- лари қoшида ташкил этилган Ҳоми- йлик хайрияларини муво- фиқлаштириш марказлари орқа- ли аҳолининг эҳтиёжманд қат- ламларини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш йўлида олиб борилаётган эзгу сый-ҳаракат- ларни алоҳида қатъий ўрин- лидир. Шу кунга қадар ушбу мар-

казлар орқали ҳоми- й ташкилот- лар ҳамда саховатпеша фуқаро- ларимиз томонидан тақдим этил- ган, тахминий нархи **22 мил- лиард 986 миллион** сўмлик **17 турдаги**, жумладан, **13 тур- даги** (ёғ, ун, шакар, макарон, гўшт, товۇқ гўшти, картошка, пивё, сабзи, гуруч, куруқ чой, туҳум, дуккакли) озиқ-овқат маҳ- сулотлари ва **4 турдаги** (тиб- бий никоб, кўлпоқ, антисептик ва гигиеник воситалар) тиббий воситалар республикамиздаги **199 222** та оилга етказиб берилди. Бундай хайрия тадбир- лари изчил давом этилмоқда.

Президентимиз йиғилишда шу каби ижтимоий ҳимоя чора- ларини янада кенгайтириш, халқимизга хос бўлган меҳр-са- ховат, ўзгалар ҳолидан ҳабар олиш, уларга бегараз ёрдам кўрсатиш каби юксак инсоний ташаббусларни юзага чиқариш мақсадида **“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати- ни ҳаётга татбиқ этиш тақ- лифини илгари сурди**. Шу- нингдек, ўз сўзида яқин кунлар- да барчамиз учун муқаддас бўлган Рамазон ойи кириб кел- гишини назарда тутиб, бу ойда эҳтиёжманд ва муҳтож оила- лар ёрдам кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини алоҳида қайд этиб, ушбу муқаддас ойда ҳар бир тадбиркор ўзи фаоли- ят юритаётган ҳудудда ижти- моий ҳимояга муҳтож аҳоли, ав-

вало, маҳалладошлари, қўни- қўшниларини фаол қўллаб-қув- ватлаши мақсадга мувофиқ эканлигига урғу берди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг Рамазон ойини ўтказиш ҳақида- ги баёнотида ҳам шу ҳақда сўз юритилган бўлиб, карантин талаблари бузилишининг олди- ни олиш мақсадида ифторлик маросимлари учун мўлжалла- ган, закот маблағлари ва фитр, фидя садақаларини Ҳоми- йлик хайрияларини мувофиқлашти- риш марказлари орқали мод- дий кўмакка муҳтож оила- ларга етказиш ҳамда “Вақф” хайрия жамоат фонди ва унинг ҳуд- дий бўлинмалари ҳисоб рақам- ларига ўтказиш тавсия этилди.

Сахийлик, қўли очиклик — халқимизга хос фазилат. Оли- миз орасида тарқалган “ўнг кўлинг берганини чап қўлинг билмасин” деган пурҳикмат сўзлар замирида ҳам ана шу ҳақиқат мўжасам. Бинобарин, ҳозирги синовли даamlарни тўғри идрок этиб, саховат иш- ларига ҳисса қўишига инти- лаётган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бораётгани диққатга сазовор. Бунга мисол сифатида Наманган тумани, “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, исмини ош- кор этишни истамаган аёл то- монидан қилинган катта хайрия- ни айтиб ўтишимиз мумкин. Бу

аёл Ҳажга бориш учун жамғар- ган маблағини ўз маҳалласида- ги 40 та эҳтиёжманд оилга тарқатиб берган. Муборак сафар умидида неча йиллаб йиққан пулни маҳалладошлар- нинг эҳтиёжи учун сарфлаган бу инсоннинг ҳиммати ва са- ховатидан ўрнак олса арзийди. Йиғилишда ана шундай са- ховатпеша инсонлар, тадбир- корларнинг ўз атрофидаги эҳти- ёжманд аҳоли қатламига имкон даражасида ёрдам бериши ло- зимлиги, давлат томонидан ҳам бу каби саховатпеша тадбир- корларимизга солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурс- лар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференция- лар берилиши, бу жараёнда йи- рик қорхоналар, уларнинг жой- лардаги таркибий бўлинмалари, фермерлар ва кластер ҳўжали- лари ҳам ихтиёрй қатнашиши мумим эканлиги таъкидланди. Юртобшимиз бу ташаббус- лар Савдо-саноат палатасининг жойлардаги бўлимлари, банк- лар, ижтимоий муҳофаза идо- ралари ҳамкорлигида амалга оширилиши ҳақида айтиб ўтиб, **“Саховат ва кўмак” умум- халқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз кудратининг амалий намоёнига айлана- шига ишонаман”**, дея барча- ни мазкур ҳаракатни омма- лаштиришга, бунинг учун яна- да фаол бўлишга чақирди. Албатта, саховатпеша халқи- миз бундай эзгу ташаббуслар- ни қўллаб-қувватлашди.

Раҳмат МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб- қувватлаш вазир,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Жараён

Бу синовларни куч ва иродамиз билан енгиб ўтамыз

Ўзбекистонда COVID-19 инфекциясига қарши курашиш ва унинг профи- лактикаси юзасидан тез- кор чоралар қўрилмоқда.

Президентимизнинг шу мақ- садда қабул қилган Фармон ва қарорлари, ўтказаятган видео- селектор йиғилишлари, халқи- мизга қилган мурожаатлари юртдошларимиз қалбига ийик- лик олиб кирди ва ишонч бер- ди. Шу боис ҳам бугун улар ўзининг бор кучи ва иродаси, юксак масъулиятини намоён этмоқда.

Буни Жиззах вилоятида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича зарур тадбирлар олиб борилаётгани ва аҳолининг ушбу жараёнларда фаол иш- тирок этаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун шаҳар ва туманларда тузилган махсус штаблар фаолият кўрсатяпти. Жамоат жойлари, деҳқон бозорлари, қорхона ва ташки- лотлар ҳудудлари, кўп қаватли уйлارга кириш йўлаклари ва аҳоли яшаш масканларида де- зинфекция ишлари мунтазам амалга оширилмоқда. Масофа- дан хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилган. Талаб ва сўровлар асосида аҳолига за- рур дори-дармон ва тиббиёт воситалари, озиқ-овқат маҳсу- лотлари етказиб берилаётир.

Иш қизгин олиб борилаёт- ган бир шaroитда муҳим қоида — “Ижтимоий масофани сақ- лаш” ҳам эсдан чиқаётгани йўқ. Вирус тарқалишининг олдини олиш учун жамоат жойларидан узоқлашиш, қўчадаги ҳаракат- ни, ўзаро мулоқотни кечлаш зарурлиги юзасидан берилган тавсияларга аҳоли “лаббай” деб жавоб бераётгани таҳсин- га лойиқ.

Дарҳақиқат, улар карантин талабига қаттиқ риоя қилишни ўларнинг фуқаролик бурчи, деб қабул қилмоқда. Халқимиз- нинг ана шу ҳамжихатлиги, бирдамлиги “қўрнимас ёв”ни жилволашимиз ва оқибатда уни енгитишимизда қўл келади. Биз, сенаторлар мазкур жара- ёнларда халқимизга елқандоз бўлишга астойдил ҳаракат қил- моқдамиз.

Нурсултолло ПАРДАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Халқимиз кудратининг амалий ифодаси

Мана, юртимизда пандемия сабаб карантин эълон қилинганига ҳам бир ой бўлди. Табиийки, бундай шароитда аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд оила- лар, доимий иш билан банд бўлмаган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш гоятда муҳим.

Ғамхўрлик

Шу маънода, Президентимиз ушбу жи- хатга ҳаммиса катта эътибор қаратаётга- ни, ҳусусан, саноат, қурилиш ва инфрату- зилма тармоқлари қорхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалаларига ба- гишлаб ўтказилган видеоселектор йиғи- лишида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳ- тож қатламига кўмак бериш масаласига алоҳида тўхталиб, тегишли кўрсатмалар бергани диққатга сазовордир. Таъкидлаш керакики, бугунги шароит- да давлат томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига тегишли ёрдамлар бериляпти. Бунинг учун “Тадбиркорлар саховат жамоғармиси” ва Ҳомиёлик хайрия- ларини мувофиқлаштириш марказлари фаолият олиб борапти. Марказлашган ҳолда ёрдамга муҳтож аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилаётир.

Карантин пайтида ишсизлар, кўмакка муҳтож аҳоли сони ортиб бориши табиий, албатта. Ана шундай аҳоли қатламига манзилли кўмак беришни ташкил этиш мақсадида Президент томонидан халқ- нинг тарихий ва маънавий қадриятлари-

ни, меҳр-саховат, оқибат ҳамда ҳиммат каби юксак фазилатларини инобатга ол- ган ҳолда, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббуси ил- гари сурилди. Буни халқимиз катта мам- нуният билан қутиб олди. Шубҳасиз, “Са- ховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати дав- латимиз ва халқимиз кудратининг ама- лий намоёнига айланади. Чунки инсонпарвар халқимиз Иккинчи жаҳон уруши давридаги оғир қунарлини ҳам матонат билан, юксак инсонийлик фазилатларини кўрсатган ҳолда мардо- навор ениб ўтган. Нафақат ўз фарзанд- ларини, балки уруш туфайли Ўзбекистон- га келтирилган бошқа миллат фарзанд- ларини ҳам бирдек бағрига олган. Бугун ҳам барчамиз ҳамжихат бўлиб, кўмакка муҳтож аҳолига ёрдам қўлини чўзишимиз ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

Айни жиҳатларни ҳисобга олиб, ша- роит ва имкониятдан келиб чиқиб, тад- биркорлар муҳтож оилга ёрдам бери- ши, улар оила аъзоларини ишга жалб қилиши мумкин. Албатта, тадбиркорла-

римиз “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳара- кати аъзоси сифатида ўз ёрдамларини беришади. Давлат томонидан эса бун- дай бизнес вакилларига солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилади.

Тадбиркорнинг қанча оилга кўмак беришига қараб имтиёзлар ҳам ошиб бораверади. Бу билан аҳолига давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари орқали саховат ва ёрдам кўрсатилишига имкон яратилади. Ушбу жараёнда қатна- шиш тадбиркорлиқнинг барча субъекти учун ихтиёрй бўлиб, ташаббус Савдо- саноат палатасининг жойлардаги бўлим- лари, банклар, ижтимоий муҳофаза идо- ралари ҳамкорлигида амалга оширилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Барчамиз учун муқаддас бўлган Рамазон ойининг кириб келишига ҳам саноқли қўнлар қолди. Бу ойда эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш ҳар қачонгиданда савоб- ли ҳамда хайрли амаллардандир. Президентимиз айтганидек, ушбу муқад- дас ойда ҳар бир тадбиркор ўзи фаолият юритаётган ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, аввало, маҳалладошлари, қўни-қўшниларини фаол қўллаб-қувват- лаши мақсадга мувофиқдир.

Мухтор ҲОЖИМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Аёлларга зўравонлик — маданиятли жамият учун қора доғ

Ҳозирги пандемия шароити дунё бўйича оилавий масалалар билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани сир эмас. Ҳусусан, оилаларда зўравонлик ҳолати ошиб бораётгани кузатилмоқда. Бир қатор давлатларда шу юзасидан муайян чоралар қўриляпти.

Эътибор

Масалан, Германияда маз- кур муаммо турмуш ўртоғи то- монидан қалтакланган ва ру- ҳий босим ўтказилган аёллар- га бушаб қолган меҳмонхона- лардан хоналар бериш орқа- ли ҳал қилиш тақлиф этилмоқ- да. Буюк Британияда эса уйма-уй кириб чиқаётган почта ва етказиб бериш хизматлари ҳодимларига та- жовузкор эркакларни диққат билан кузатиш топширилган.

Уйда зўрлик ишлатилиши- га ва гендер зўравонликка қарши курашиш бўйича Укра- инада яратилган теъзор аҳоли орқали февраль ойининг охири- ги уч ҳафтасида 1700 дан ортик шундай кўнғирдоқлар бўлган. 17 март кунн ўзини ақ- калаш эълон қилинган Фран- цияда уйда зўрлик ишлатил- ган ҳолатлар сони кейинги ҳафтада 30 фоиз, Париж шаҳ- раининг ўзи 36 фоиз ошган. Хитой ҳукумати ҳам мамлакат- да уйда зўрлик ишлатиш ҳолатлари кўпайганлигини қайд этди.

БМТнинг Хотин-қизларга

нисбатан зўравонлик масала- лари бўйича махсус маъруза- чиси Дубравка Симонович кар- антин ҳолатида зўравонлик- лар кескин ортганилигига эъти- бор қаратиб, танглик даврида жабрланганларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини давом эттириш, чора-тадбирларда мудоффа ордерларидан, бош- паналар ва теъзор алоқадан фойдаланиш имкониятини на- зарда тутиши лозимлигини таъкидлади. БМТ Бокс котиби Антониу Гутерриш ҳам ўзининг “Twitter”даги сaҳифасида ви- деомулоқот орқали бу ҳақда айтиб ўтди. У коронавирусга қарши карантин чоралари ту- файли бутун дунё уйда зўрлик ишлатиш ҳолати кескин ош- гиши билан боғлиқ муаммога дуч келганини билдирди.

Ҳўш, бизда бу масала қан- дай ҳал этилмоқда? Бу бора- да Ўзбекистонда кейинги йил- ларда дадил қадам ташланга- нини айтиш қўрар. Аввало, со- хага доир қонунлар қабул қилинди. “Хотин-қизлар ва эр- кақлар учун тенг ҳуқуқ ҳамда

имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин- қизларни таъзиқ ва зўравон- ликдан ҳимоя қилиш тўғриси- да”ги қонунлар шулар жумла- сидандир. Бу ҳужжатларга асосан, зўравонлик ва таъизикдан жабр қўрган аёллар шу ҳақидаги ариза билан тегишли ваколат- ли органлар ва ташкилотлар- га мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Қолаверса, “ҳимоя ордери” институти жорий этилди. Бу зўравонлик ва таъ- изикдан жабр қўрганларни му- хофаз қилишда муҳим меха- низм ҳисобланади.

Шунингдек, Сенат Раиси раҳбарлигидаги Гендер тенг- ликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил эти- лиши Ўзбекистон бу муаммо- ни ҳал қилишдан манфаатдор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ўз наъбатига, зўрлик ишлатишдан жабр қўрган шахсларни реабилита- ция қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилиш- нинг олдини олиш марказла- ри, уларнинг ҳудудий бўлин- малари ташкил этилди.

Бугунги кун талабидан кел- иб чиқиб, Гендер тенгликни

таъминлаш масалалари бўйи- ча комиссия ташаббуси билан яқинда “Ишонч телефони” хиз- мати йўлга қўйилди, “Зўравон- ликка йўл йўқ” “Телеграм-бот” канали ишга туширилди. Жо- рий йил 10 — 16 апрель кун- лари ушбу тизим орқали оила- вий ақрашишлар, алиментлар ундириш, суд қарорлари усти- дан шикоятларни кўриб чиқиш, гендер тенгсизлик ва руҳий ёрдам бўйича жами 121 муро- жаат келиб тушди. Шундан 110 таси ижобий ҳал этилди. Қолганлари эса карантин да- врида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир бўлгани учун тегишли идо- раларга йўналтирилди.

2020 йил 20 апрель ҳола- тига кўра, маиший зўравонлик- дан жабр қўрган 14 нафар аёл ва 14 нафар бола 5 та ҳуду- дий марказда реабилитация- дан ўтказилмоқда ва уларга ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Умуман, хотин-қизларни ҳозиргидек синовли кунларда ҳар томонлама қўллаб-қувват- лаш, уларга муносиб шароит яратиш биз, сенаторларнинг ҳам энг муҳим вазифалари- миздан саналади.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.

Бу масалада сиёсий вазминлик тамойили устувор бўлиши зарур

Охирги кунларда коронавирус пандемияси ҳар бир оилада қанчалик кўп муҳокама қилинаётган бўлса, сиёсатчи ва иқтисодчилар томонидан Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик масаласи бўйича ҳам шу даражада қизғин баҳслар кетмоқда. Тан олиш керакки, ҳукумат бу борада сиёсий вазминлиқни намоён этияпти. Чунки “қоса тағидаги нимқоса” бизни кўпроқ ўйлантирмоқда.

Депутат фикри

Биринчидан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликда мустақиллик, сиёсий, геосиёсий, маданий, миллий қадриятлар каби мас- салаларда етти ўлчаб, бир кесилишимиз керак бўлади.

Иккинчидан, кенг кам- ровли ишчи ғуруҳ ЕОИИ билан боғлиқ таваккалчилик- ларни баҳолаши керак. Маз- кур жараёнда шошмашошар- лик тўғри келмайди.

Айни вақтда кенг доира- ларда кўпроқ ЕОИИ билан му- носабатларнинг оқибатлари ҳақида фикр юритилмоқда. Мазкур жараёнда бир-бири- ни инкор этувчи позициялар- нинг мавжудлиги масаланинг нечоғлиқ жиддий ва долзарб эканлигини билдиради.

2014 йил 29 майда Осто- на шаҳрида имзоланган “Евроосиё иқтисодий итти- фоқи ҳақида”ги Шартнома- нинг 4-моддасида унн ту- зишининг асосий мақсадлари сифатида аъзо давлатлар аҳолисининг турмуш даража- сини ошириш мақсадида улар иқтисодиётини барқа- рор ривожлантириш учун шароитлар яратиш, ташки- лат доирасида товарлар, хизматлар, капитал ва меҳ- нат ресурсларининг ягона бозорини шакллантиришга интилиш, глобал иқтисоди- ёт шароитида миллий иқти- содиётларни ҳар тарафлама

қилинган карантин даврида миллионлаб мигрантларнинг фавқулодда вазиятларда Ва- танга қайтишидаги қийинчи- ликлар ҳам масалга ўзгача ёндашушни талаб этмоқда. Бундан ташқари, мигрантлар сони миллионлаб саналса, бу уларнинг ўз юртида иш тополмаслигидан далолат беради. Яъни Ўзбекистонда ишсизлик муаммоси ҳал бўлмаяпти, деган тасаввур ҳам пайдо бўлади. Уларнинг кетишини эмас — қайтиши- ни ўйлаш керак. Агар миг- рантлар масаласи вақтинча- лик деб ўйласак, унда ЕОИИ билан ҳамкорлик учун бу ар- гумент қучсиз бўлади.

Евроосиё иқтисодий итти- фоқида Россия Федерация- си ҳам сиёсий, ҳам иқтисо- дий жиҳатдан етакчи давлат эканига, Россия ЕОИИни минтақада геосиёсий таъси- рини сақлаб қолиш мақсади- да тузганига шубҳа йўқ. Ушбу бирлашма охир-оқибат сиёсий блока айланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Масаланинг геосиёсий томони шундаки, Ўзбекистон дунёдаги қудратли давлатлар — АҚШ, Россия ва Хитой би- лан ҳаммиса масофа сақлаб келган. Тарозни паллаларни оғиштирмай, бир хил муво- занатда ушлаган. Ва бундай оқилона сиёсат ташқи муно- сабатларнинг субъектлари томонидан ҳурмат қилинган ва қадрланган. Евроосиё иқтисодий иттифоқида ҳам- корлик эса ўз-ўзидан муай- ян томонга оғишни аңглата- ди. Умуман айтганда, ин- теграция жараёнларига қўшилишда сиёсий вазмин- лик тамойили устувор бўли- ши зарур.

Гулруҳ АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Бугунги ҳаракатимиз эртанги ҳаётимизда акс этади.



◀1

Ўрганиш натижасида хонадон эгалари то- монидан 182 та муаммолар масала кўтари- лган ва депутатлар томонидан 158 та маса- ланинг (маҳаллий ўғит етказиш, суғориш ишлари, кредит олиш, қўчат етказиш ва бошқалар) ечимида амалий ёрдам берилди.

Шу билан бирга, аҳоли томорчаларини ўз вақтида суғориш, маҳаллий ўғитлар билан таъминлаш ишлари депутатларнинг доимий назоратида бўлмоқда. Албатта, деҳқон ҳўжа- ликлари ва томорқа ер уштакларидан фой- даланиш самарадорлигини янада ошириш бўйича таъсирчан жамоатчилик ҳамда депу- татлик назоратини ташкил этишга кўмак- лашиш, шунингдек, кам таъмин- ланган, қаровчиси йўқ оилалар- га илгор фермерларни бирикти- риш, томорқа ерларига ишлов бериш, экин экиш ва парвариш- лашда ёрдам берилиши ҳамда бу мақсадда маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан са- марали депутатлик назорати олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда 432,4 минг гектар томорқанинг 125,3 минг гектарига тўқсонбости экинлар ўтган йилнинг ноябрь ойида экилган бўлиб, 307,2 минг гек- тарга эртаги экинлар режа- лаштирилган. Амалда 291,9 минг гектар ерга (95 фоиз) экилган. Шундан 141,8 минг гектаридега сабзавот, 25 минг гектаридега поли- з, 43,3 минг гектаридега картошка, 20,2 минг гектаридега дуккаки экинлар, 3 минг гекта- ридега моили экинлар ва 58,6 минг гектаридега бошқа экинлар парваришланмоқда.

Томорқа ер уштакларидан фойдаланишда янги қонун зарур. Нега?

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарориди аҳолининг томорқаси ҳамда далада ажратилган ерлардан фойдаланиш- ни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш борасида ҳам топшириқ мавжуд.

Бу нимани аңглатади? Қайд этиш керак, мамлакатимизда томор- қа ер уштакларидан мақсадли ва самара- ли фойдаланишда 15 дан ортик қонуноти ҳужжатлари мавжуд. Аммо томорқа ер уштак- ларидан фойдаланиш тизимида бозор ме- ханизмларини жорий этиш, томорқа ер эга- ларининг маҳсулот етиштиришдаги коопера-

цияси масалалари ҳозиргача тартибга солинмаган. Шу нуқтани назардан, айни пайтда тегиш- ли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи ғуруҳи тузилди. Амалдаги қонун ҳўж- жатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг тақ- лили мамлакатда томорқа ер уштаклари- дан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар- ни тўғридан-тўғри тартибга соладиган ҳамда томорқа ер уштаклари эгалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган ягона қонун ҳўжжати мавжуд эмаслигини, шунингдек, ушбу соҳанинг ривожланишига тўқсинлик қиладиган бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатиб.

Ҳўш, хорижий давлатларда бу тажриба қандай?

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, қўллаб мамлакатларда, ҳусусан, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон ҳамда Украинада ҳуқуқий мақомга эга “шахсий ёрдамчи ҳўжалик” тушунчаси мавжуд бўлиб, ҳўжалик фаолиятини тартибга солишга қаратилган махсус ахлит қонунлар қабул қилинган. Аҳамиятли жиҳати, мазкур қонун- ларда шахсий ёрдамчи ҳўжаликда маҳсулот- лар етиштириш ва уларни реализация қилиш тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайд.

Ўқоридиғилардан келиб чиқиб, томорқа ер уштакларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадини назар- да тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаёт- гани мақсадга мувофиқдир.

Албатта, мазкур қонун лойиҳасида бир қатор янгиликлар кўзда тутилмоқда.





Ўзбекистонда доривор ўсимликлардан нечоғли фойдаланилмоқда?

Кластерларда қўшимча қиймат «занжири» яратилади

Шифобахш гиёҳлар ўсадиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, унинг деҳқончилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки ўсимликлардан тайёрланган дори воситалари муолажадан сўнг организмда ҳеч қандай асорат қолдирмайди. Шу боис уларга эҳтиёж ҳар қачонгидан-да юқори. Масалан, Ўзбекистон 2019 йилда доривор ўсимликлардан олинган 48 миллион АҚШ долларлик маҳсулотларни экспорт қилди.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, беш минг йилдан ортиқ тарихга эга халқ табобати амалиётида фақат табиатга мурожаат қилинган. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино қолдирган бебаҳо мерос, тавсия қилган даволаш усуллари бунинг ёрқин далилидир. Яъни ўтмишда ҳақиму табиблар беморларни турли ҳасталиклардан, шу жумладан, организмни бактериялар, вируслардан фориг этишда доривор ўсимликлар, жониворлар ва уларнинг маҳсулотлари, қисман табиий маъданлардан фойдаланган. Ҳозирги пайтда ҳам халқ табобати анъаналарини изчил давом эттириб келаётган Хитой, Япония, Хиндистон, Вьетнам, Жанубий Корея, Лаос, Малайзия каби мамлакатларда ҳам ҳали-ҳамон шу усулдан кенг фойдаланилади. Сўнгги пайтда юртимизда ҳам назардан четда қолиб келаётган бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, табиблар фаолияти ҳуқуқий-ташқилый жиҳатдан изга туширилаётгани таҳсинга лойиқдир.

Ушбу йўналишдаги ислохотларнинг навбатдаги босқичи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш бўлмоқда. Қарорга кўра, флорамизнинг доривор оламини маданийлаштириш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш ҳамда қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат «занжири» яратилади. Бошқача айтганда, шифобахш неъматлар етиштириш, териби олиш, сақлаш, бирламчи ҳамда чуқур қайта ишлаш, истеъмолчиларга маҳсулотларни тайёр ҳолда етказиб беришга ихтисослаштирилган табобат кластерлари ташкил этилади.

2020 йил 1 майдан фаолияти йўлга қўйиладиган кластерлар олдиға нафақат ўлкамиз наботот оламида учрайдиган ўсимликлар, балки хориждан келтирилган доривор гиёҳларни иқлимлаштириш, маданий плантацияларини яратиш

Биздаги ўсимликлардан бренд даражасидаги атирлар тайёрлаш мумкин

Олимларимиз томонидан олиб борилаётган изланишлар доривор ўсимликлар билан бирга, деҳқон ва боғбонларнинг орзусидаги янги навлар яратишга манба бўладиган маданий ўсимликларнинг ёввойи турлари борилигидан далолат бермоқда. Негаки, юртимиз кўпгина экинларнинг ватани ҳисобланади. Масалан, қундалик турмушимизда энг кўп ишлатиладиган пиёзнинг келиби чиқш тарихи мамлакатимиз ҳудудига боғлиқлигини кўпчили билмаска керак. Бу ердан кейинчалик қадимги Миср, Греция, Рим ва Ер юзининг бошқа жойларига тарқалган.

Ҳудудимизда пиёзнинг 200 га яқин манзарали, хушбўй, доривор ва озуқабоп навлари ўсади. Бу турларнинг аксарияти эндем бўлиб, дунёнинг бошқа жойларига учрамайди. Афлотун пиёзи, Ошанин пиёзи, Покмон пиёзи ва аралаш пиёз шулар жумласидандир. Олимларнинг ҳулосаларига кўра, юртимиз аҳолиси азалдан истеъмол қилиб келаётган Покмон пиёзи маданий навларга энг яқини ҳисобланар экан.

Мамлакатимизда шу сингари 70 га яқин маданий ўсимликларнинг ёввойи турлари мавжуд. Шулардан пиёз, олма, бодом, ёнғоқ, арпа, хандон писта ва бошқа ўсимликлар биологияси атрофлича ўрганилмоқда. Натижада ёнғоқ навлари пайдо бўлган жой Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистон эканлиги ўз исботини топти.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ёнғоқларнинг ёввойи турлари Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам учраса-да, уларнинг энг катта майдонлари Ўзбекистонда сақланиб қолган. Умумий майдони 1,5 минг гектарни ташкил этади. Табиий ёнғоқ ва пистазорларнинг асосий қисми Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Шифобахш гиёҳларнинг маданий ҳолда етиштирилишининг афзал жиҳати шундаки, бу фармацевтика саноатиға бир хил ёш ва тилдаги хом ашё қабул қилиб олиш имкони беради. Натижада қайта ишлаш жараёни энгиллашади. Шунинг учун ўрмон ҳўжалиқларимизда ўлка-

миз табиатига хос бўлган ва чет элдан олиб келинган пол-пала, маккаи сано, мойчечак, тирноқгул, қалампирялпиз, арслонқулоқ, эхинацея, тухумак, эман, чойўт, тоғрайхон, бўйимадарон, баргизуб, кийикўт, наъматак, қизил дўлана, қарикиз, жағ-жағ каби бир қанча ўсимликлар маданийлаштирилиб, ўстирилмоқда.

Аммо ҳозирги вақтда, асосан, Давлат фармакопеясига киритилган ўсимликлар етиштирилипти, холос. Улар халқ табобатида қўлланиладиган шифобахш гиёҳларнинг нари борса, 10 — 15 фоизини ташкил қилади. Демак, янги ташкил этилаётган

ри ушбу вазифанинг тўла-тўқис ижросини илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юр்தларининг илмий жамоаси кўмагисиз уудалаши қийин. Шу маънода, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 2025/2026 ўқув йилиға қадр ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимида доривор ўсимликларга оид махсус соатларни ўқув режаларига киритиш белгилаб берилгани ани мурдао бўлмоқда.

Айтиш жоизки, Самарқанд давлат университети нафақат ёшларнинг билим-кўникмаларини бойитиш, балки доривор ўсимликларни кўпайтириш, янги турларини мада-

ларни изчил қўллаш, ишлаб чиқариш билан интеграцияни чуқурлаштиришда қўл келаётир.

Соғлом турмуш тарзининг муҳим шарти

Юртимизда доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни кўпайтириш баробарида, улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенгайтирилмоқда. Президент қарорига биноан, шу йил 1 июндан тиббиёт муассасалари, шу жумладан, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ (овул) врачлик пунктларида фитобарлар ташкил этилади. Сўнг таълим муассасалари, аэропортлар, барча турдаги вокзаллар, бозорлар, санаторий-курортларда, шунингдек, бошқа аҳоли гавжум жойларда шифобахш ичимликлар савдоси йўлга қўйлади. Фитобарлар ташкил этидиган тадбиркорлик субъектларига эса имтиёзлар берилиши кўзда тутилган.

Аслида, фитоичимликлар саломатлик «кўргони» бўлиб, инсон организмидеги иммунитетни оширади. Бироқ бу соҳаға етарли даражада эътибор берилмагани туфайли мамлакатимизнинг жуда ҳам бой, дунёда тенги йўқ ноёб доривор ўсимликларидан шифобахш дамламалар, дори-дармонлар тайёрлаш ўлда-жўлда қолиб кетаётган эди. Оқибатда бу бўлишми ҳар хил энергетик ва кучли газланган ичимликлар тўлдирга бошлади. Саломатликка фойдасидан кўра, физиологик зарари кўп бўлган бундай ичимликларни ўсимлар ва ёшлар севиб истеъмол қилишадигани эртасини ўйлаган ҳар қандай кишини ташвишга солмай қўймайди. Фитобарлар тармоғини ривожлантиришга жиддий аҳамият қаратилиб, уларни таълим масканларида ташкил этиш чора-тадбирлари қўрилаётгани одамни хурсанд қилади.

Биобарин, доривор ўсимликлар асосида тайёрланадиган ичимлик ва дамламалар «майн» таъсири, тез ва осон тайёрлаш имкониятлари мавжудлиги, алоҳида мураккаб технологик усулалар талаб этилмаслиги, арзонлиги, асосийси, самарадорлиги юқорилиги билан қадридор. Айни пайтда юртимизда 28 фармакотерапевтик гуруҳларга мансуб бўлган 100 дан ортиқ ўсимлик хом ашёларидан фитоичимликлар тайёрлашга рухсат этилган. Бу юртдошларимиз ўз таби ва саломатлигига қараб, салқин, доривор, витаминларга бой фитоичимликларни танлаб истеъмол қилишлари мумкин, деганидир.

Умуман олганда, Президентимиз ташаббуси билан наботот олами ўз ҳазиналарини очмоқда. Бу битмас-туганмас бойлиқни тасаруф этиш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш эса ўзимизга, тиббий маданиятимизга боғлиқ.

Бақриддин ЗАРИПОВ,
академик, биология фанлари доктори, СамДУ профессори,
Худойёр КЕЛДИЁРОВ,
СамДУ биология факультети декани, профессор.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдида

...Урушнинг дастлабки кунларида немислар Ғарбий Белорусиянинг Чижовский районини ўраб олди. Капитан Йўлдош Розиков бошлиқ миномётчилар ротасига дивизия куч тўплагунча немисларни чалғитиб туриш вазифаси юклатилди. Капитан жангчиларға оқопларда огоҳ бўлиб туришларини тайинлаб, ўзи ясама соқол қўйиб, деҳқон кийимиде қулай вазиятни кутиб ётди. Эрталаб фашистлар дарёдан ҳеч бир қаршиликсиз ўтиб, буғдойзор оралаб кела бошлади.

ЧОДАК «БУРГУТИ»

Генерал Собир Раҳимов жасур жангчи Йўлдош Розиковни худди шундай атаганди.

— Ажалинг етди, газандалар! — пичирлади Розиков.

Немислар бамайлихотир келарди. Улар буғдойзорда “мудраб” ётган “чол”ни пайқашмади ҳам. Пистирмага санокли қадам қолганда рота командири шахд билан ўрнидан турди-да, те-варак-атрофа автоматидан ўт очди. Лаҳза ичида ўн беш — йигирма чоғли немис ҳарбийси ер тишлади. Командирлари ортидан пистирмадаги жангчилар автомат, миномётларини ишга солишди. Шу тарзда 395-дивизия душмани илк бор чекинишга мажбур эди.

Капитан Розиков бу дивизияга ўзбек генерали Собир Раҳимов командирлик қилаётганини биларди. У генерал билан кўришиб, та-нишишни орзу қиларди. Буни қарангки, ўша буғдойзордаги жангдан кейин Раҳимовнинг ўзи уни йўқлади. Розиков ҳаяжон-ланиб блиндажға яқинлашаркан, батальон командири Янковский генералға ўзини ўхшатиб таърифлаганидан беҳабар эди.

Собир Раҳимов капитанга бошдан-оёқ тикилиб қолди. Сўнг ўзбекчалаб сўради:

— Қаердансан?
— Намангандан, ўртоқ генерал!

— Қайси райондан?
— Поппан.

— Чодак қишлоғини биласинми?

— Худди ўша қишлоқданман, ўртоқ генерал!

Генерал ёнида турган Янковскийға юзланди.

— Мен бу қишлоқда бўлганман, — деди у. — Тоғ бағрида жойлашган сўлим қишлоқ. Ажойиб ёнғоздор, ўрикзор болғари бор. Соинда “Маринка” деган балиғи бўлади. Эҳ, бу балиқни емабсан, дунёға келмабсан! Одамлари ҳам жуда меҳнаткаш, ёвқур.

Генерал шундай дея Розиковға қаради.

— Тўғрим, капитан?

— Тўппа-тўғри, ўртоқ генерал!

Раҳимов қулиб қўйди.

— Гап бундоқ, — деди сўнг жиддий тортиб. — Бизға битта “тил” керак, ун-териферлардан бўлса яна яхши. Бу ишни сенга топшираман.

Капитан ўзи билан беш-олти жангчини олиб, шу кунни тунда “ов”ға олтиди. Душман Ростов яқинидаги ўрмонзорда эканлигини биларди у. Ер бағирлаб эмаклаб боришаркан, немисларнинг кулгиси, гўнғур-гўнғур овозлари эшитилди.

— Бир оз кутиб тураимиз, — шивирлади Розиков.

Тун оғиб, атроф тинчигач, капитан икки жангчини ёниға олиб немис офицерлари жойлашган блиндаж томон эмаклаб кетди. Блиндаж олдида икки солдат мудраб ўтирарди. Уларни бир ёқли қилиш қийин бўлмади.

Розиков ичкариға кириб,



немис офицерлари ухлаётганини кўрди. У эмаклаб бориб офицерлардан бирини гиппа бўғди, сўнг оғзига фуражкасини тикди.

Капитаннинг ҳамроҳлари Смирнов билан Адашев ҳам чапдаст йигитлар эди. Улар бир зумда қолган офицерларни тинчитишди.

Немис офицери Раҳимов ҳузурига келтирилди. Генерал хурсанд бўлиб кетди.

— Қойил, капитан! — деди ҳамюрти қўлини самимий қисаркан. — Ҳақиқий Чодак “бургути” экансан!

Ўзбек генерали Собир Раҳимов назарига тушган капитан Йўлдош Розиков Шимолий Кавказдан Берлингача бўлган фронт йўлини босиб ўтди. Қанчадан-қанча шахар қишлоқларни озод қилишда жасорат кўрсатди. Бир неча жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Урушдан қайтиб умрини богдорчиликка бағишлади. Чодак-сойнинг бўйида жаннатмонанд бог яратиб, урушда шахид кетган қуролдош дўстларининг ҳар бириға атаб, бир тупдан кўчат ўтказди. Боққа “Дўстлик боғи” деб ном берди.

Бугун Йўлдош Розиков орамида йўқ. У яратган бог эса яшнаб турибди...

Ортиқали НОМЗОВ
(«Халқ сўзи»)

1

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **“Албатта, биз сизларни бир оз кўрчинча ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларға нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларға баъшарат бер. Улар мусийбат етганда: “Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз”, дерлар. Ана ўшаларға Роббиларидан салоотлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар ҳидоят топганлардир”** (Бақара сураси, 155-157-оятлар). Ушбу ояти қариманинг таълимотига кўра, мўмин кишиға мусибат ёки ташвиш етганда сабр қилса,

Эзгулик, сабр-қаноат ва меҳр-шафқат оёи

Аллоҳ таоло уни буюк ажр билан сийлайди.

Коронавирус касаллиги кенг тарқалишининг олдини олиш учун юртимизда энг юқори даражада керакли чора-тадбирлар қўрилмоқда. Мутахассис шифокорларнинг ақдйлик билан қилган ҳуло-саси шунки, одамларнинг бир-бирлари билан қўришмай, уйда ўтиришлари энг зарурий ва энг фойдалиди чорадир. Шунинг учун ҳукуматимиз томонидан керакли қарорлар қабул қилиниб, маълум муддатта карантин чекловлари жо-

рий этилди. Мақсад фақат битта — халқимизни бу хавфли вирусдан, хасталиқдан асраш. Лекин афсуски, шунча оғохлантиришларға қарамай, карантин қоидаларини бузаяётганлар ҳам учраб турибди. Ўзининг шахсий манфаати учун бошқаларнинг соғлиғига хавф туғдириш на мусулмончиликка, на инсонийликка тўғри келади. Бундай вақтларда ҳар биримизға тўшади-ган вазифа — ишбошилар тавсия-сига қатъий амал қилиш, яъни уйдан чиқмасликдир. Ишбошилар кимлар? Ишбошилар шифокор-

лардир. Дарҳақиқат, бу иллатнинг даф бўлиши учун жонини хатарға қўйиб, оиласи ва фарзандларининг бағридан кечиб, кечани кундўзға улаб меҳнат қилаётган шифокорлардир. Уларнинг тавсияларига амал қилиш ишбошиларға итоат қилиш ҳисобланади. Бу динимизнинг ҳам кўрсатмасидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда **“Эй иммон келтирганлар! Аллоҳға итоат қилинг, Пайгамбарға ва ўзингиздан бўлган ишбошиларға итоат қилинг”**, деб марҳамат қилган. Қуръони каримда буюрил-

ган амалларни бажариш фарзи айн ҳисобланади.

Рамазон ойининг фазилатларидан бири эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларға ёрдам кўрсатишдир. Давлатимиз раҳбари “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сура-кан, эҳсон ҳамда хайрияларнинг айн муҳтожларға, манзилли етиб боришини мақсад қилмоқда. Зеро, бу муқаддас ойда қилинган хайр-ли ишларға бошқа ойлардағига нисбатан кўпроқ савоб ёзилади. Шундай экан, савобталаб мўмин-

мусулмонлар ифторлик учун мўлжаллаган маблағларини Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказларини етказиб берса, аини мурдаодир.

Ҳар қандай мусибат ва синовлар ўткинчидир. Шунинг учун асло тушқунликка тушмаслигимиз, хурсандчилик кунлар ақин эканиға ишонишимиз ва энг асосийси, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслигимиз керак.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломиде **“Бас, албатта, қийинчилик билан осончилик бордир. Албатта,**

қийинчилик билан осончилик бордир” (Шарҳ сураси, 5-6-оятлар), дея марҳамат қилган. Ушбу оятларда ажиб бир маъно бор. Бир мазмун кетма-кет такрорлангани бир қийинчилик ортида икки энгиллик борлигига далолат қилади.

Хурсандчилик кунларимиз яқин. Ана шу кунларға етишгунча биздан сабр, матонат, метин ирода, Роббимизға ёлвориб дуолар қилиш ва албатта, кўпроқ ибодат, солиҳ амалларда давомийлик талаб этилади. Ана шунда биз кутмаган жойдан хурсандчиликлар келади.

Хайруллоҳ ТУРМАТОВ,
Тошкент вилояти бош имом-хатиби.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46 439 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза ажуни — 21.00 Топширилди — 23.55

1 2 3 4 5 6